



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 12 » ИЮНЬ

№ 376

Toshkent sh.

2021–2027 йилларда республикадаги кўп квартиралли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолининг кўп квартиралли уйларда яшаши учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, лифтларнинг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. 2021–2027 йилларда кўп квартиралли уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Дастурнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Дастур доирасида қуйидагиларнинг амалга оширилишини таъминласин:

Дастурнинг мақсадли параметрлари ўз вақтида амалга оширилиши бўйича олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириб бориш;

кўп квартиралли уйлардаги лифт ускуналарига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш;

кўп квартиралли уйларда жой мулкдорларининг қулай ва хавфсиз яшашини, фавқулодда вазиятларнинг олди олинишини ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

лифт ускуналарининг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асослантилган таклифларига мувофиқ Дастур параметрларига, заруратга кўра, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Дастурни амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонасини буюртмачи этиб белгилаш;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларни белгиланган тартибда тендер ёки танлов савдолари асосида аниқлаш;

кўп квартирали уй-жой фондидаги лифт ускуналарини мониторинг қилиш, замонавий диспетчерлик хизматини кўрсатиш вазифасини Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳузуридаги “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхоналарига юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Молия вазирлиги билан биргаликда:

кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда 2020 йил 1 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларини шакллантиришда 2021 йилдан бошлаб, тасдиқланган Дастур асосида кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш тадбирлари учун талаб қилинадиган маблағларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар лифт ускуналарининг техник ҳолатини мониторинг қилиш, авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурнинг ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминласин.

7. Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналаридан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига:

кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан лифт ускуналарининг Лифтлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – Умумий техник регламент) талабларига ҳамда бошқа техник ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ сақланишини, шунингдек, лифт паспортига асосан уларнинг белгиланган муддатларда техник текширувдан ўтказилганлигини назорат қилиш;

Умумий техник регламент ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, лифт ускуналарига хизмат кўрсатувчи ташкилотларга камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ёзма кўрсатмалар киритилишини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига:

кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналари техник ҳолатининг Умумий техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

кўп квартирали уйларга ўрнатилаётган лифт ускуналарининг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ва давлат экспертизасидан ўтказилган ҳолда ўрнатилишини назорат қилиш ва янги лифтларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

лифт ускуналаридан фойдаланишда юзага келган инсон ҳаёти учун хавф солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар лифт ускуналаридан фойдаланишни тақиқлаш чораларини кўриш ва уларнинг ижроси бўйича бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш вазифалари юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги икки ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, республикадаги соҳага оид мавжуд ўрта-махсус таълим бўғинида фаолият юритувчи коллежларда лифт ускуналарига хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар тайёрлаш юзасидан тегишли таълим йўналишларининг ташкил этилишини;

“Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхоналарининг лифт ускуналарига хизмат кўрсатишга мўлжалланган моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилишини, шунингдек, уларни тегишли мутахассисликка эга малакали мутахассислар билан тўлдириш, ўқитиш ва қайта тайёрлашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси:

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, маҳаллий лифт ускуналари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда лифт қурилмаларига қўйилган хавфсизлик талабларининг халқаро талабларга мувофиқлаштирилишини;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда лифт қурилмаларининг хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовларни ўтказишни таъминлайдиган махсус идоравий лабораторияни ташкил этиш юзасидан тегишли таклифларнинг бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "12" _____ июндаги 376 - сон қарорига
1-илова

2021-2027 йилларда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш ДАСТУРИ

(млн сўм)

Т/р	Худудлар номи	Лифт ускуналари мавжуд кўп квартирали уйлар сони	Лифт ускуналари сони		Жами талаб этиладиган маблағ*	шундан, иш ҳажмлари кесимида			
			Жами	Таъмирга ва алмаштиришга муҳтож лифтлар сони		лифтларни таъмирлаш		янгисига алмаштириш	
						сони	талаб этиладиган маблағ	сони	талаб этиладиган маблағ
Жами 2021-2027 йиллар		2 102	6 170	3 562	665 020,0	84	4 200,0	3 478	660 820,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	8	8	400,0	8	400,0		
2	Андижон вилояти	31	92	30	3 320,0	17	850,0	13	2 470,0
3	Бухоро вилояти	31	60	10	1 620,0	2	100,0	8	1 520,0
4	Жиззах вилояти	9	14	6	300,0	6	300,0		
5	Қашқадарё вилояти	26	55	6	300,0	6	300,0		
6	Навоий вилояти	139	252	134	25 460,0			134	25 460,0
7	Наманган вилояти	41	87	4	200,0	4	200,0		
8	Самарқанд вилояти	125	322	157	29 830,0			157	29 830,0
9	Тошкент вилояти	87	183	5	250,0	5	250,0		

Т/р	Худудлар номи	Лифт ускуналари мавжуд кўп квартирали уйлар сони	Лифт ускуналари сони		Жами талаб этиладиган маблағ*	шундан, иш ҳажмлари кесимида			
			Жами	Таъмирга ва алмаштиришга муҳтож лифтлар сони		лифтларни таъмирлаш		янгисига алмаштириш	
						сони	талаб этиладиган маблағ	сони	талаб этиладиган маблағ
10	Фарғона вилояти	22	50	28	1 960,0	24	1 200,0	4	760,0
11	Хоразм вилояти	25	46	12	600,0	12	600,0		
12	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	3 162	600 780,0			3 162	600 780,0
2021 йил		2 102	6 170	591	104 450,0	56	2 800,0	535	101 650,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	8	4	200,0	4	200,0		
2	Андижон вилояти	31	92	13	1 210,0	9	450,0	4	760,0
3	Бухоро вилояти	31	60	4	480,0	2	100,0	2	380,0
4	Жиззах вилояти	9	14	6	300,0	6	300,0		
5	Қашқадарё вилояти	26	55	6	300,0	6	300,0		
6	Навоий вилояти	139	252	35	6 650,0			35	6 650,0
7	Наманган вилояти	41	87	4	200,0	4	200,0		
8	Самарқанд вилояти	125	322	40	7 600,0			40	7 600,0
9	Тошкент вилояти	87	183	5	250,0	5	250,0		
10	Фарғона вилояти	22	50	14	980,0	12	600,0	2	380,0
11	Хоразм вилояти	25	46	8	400,0	8	400,0		
12	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0

Т/р	Худудлар номи	Лифт ускуналари мавжуд кўп квартирالي уйлар сони	Лифт ускуналари сони		Жами талаб этиладиган маблағ*	шундан, иш ҳажмлари кесимида			
			Жами	Таъмирга ва алмаштиришга муҳтож лифтлар сони		лифтларни таъмирлаш		янгисига алмаштириш	
						сони	талаб этиладиган маблағ	сони	талаб этиладиган маблағ
2022 йил		2 102	6 170	562	102 860,0	28	1 400,0	534	101 460,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	8	4	200,0	4	200,0		
2	Андижон вилояти	31	92	11	970,0	8	400,0	3	570,0
3	Бухоро вилояти	31	60	2	380,0			2	380,0
4	Жиззах вилояти	9	14						
5	Қашқадарё вилояти	26	55						
6	Навоний вилояти	139	252	35	6 650,0			35	6 650,0
7	Наманган вилояти	41	87						
8	Самарқанд вилояти	125	322	40	7 600,0			40	7 600,0
9	Тошкент вилояти	87	183						
10	Фарғона вилояти	22	50	14	980,0	12	600,0	2	380,0
11	Хоразм вилояти	25	46	4	200,0	4	200,0		
12	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0
2023 йил		2 102	6 170	532	101 080,0			532	101 080,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	8						
2	Андижон вилояти	31	92	3	570,0			3	570,0

Т/р	Худудлар номи	Лифт ускуналари мавжуд кўп квартирали уйлар сони	Лифт ускуналари сони		Жами талаб этиладиган маблағ*	шундан, иш ҳажмлари кесимида			
			Жами	Таъмирга ва алмаштиришга муҳтож лифтлар сони		лифтларни таъмирлаш		янгисига алмаштириш	
						сони	талаб этиладиган маблағ	сони	талаб этиладиган маблағ
3	Бухоро вилояти	31	60	2	380,0			2	380,0
4	Жиззах вилояти	9	14						
5	Қашқадарё вилояти	26	55						
6	Навобий вилояти	139	252	35	6 650,0			35	6 650,0
7	Наманган вилояти	41	87						
8	Самарқанд вилояти	125	322	40	7 600,0			40	7 600,0
9	Тошкент вилояти	87	183						
10	Фарғона вилояти	22	50						
11	Хоразм вилояти	25	46						
12	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0
2024 йил		2 102	6 170	523	99 370,0			523	99 370,0
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	8						
2	Андижон вилояти	31	92	3	570,0			3	570,0
3	Бухоро вилояти	31	60	2	380,0			2	380,0
4	Жиззах вилояти	9	14						
5	Қашқадарё вилояти	26	55						

Т/р	Худудлар номи	Лифт ускуналари мавжуд кўп квартирали уйлар сони	Лифт ускуналари сони		Жами талаб этиладиган маблағ*	шундан, иш ҳажмлари кесимида			
			Жами	Таъмирга ва алмаштиришга муҳтож лифтлар сони		лифтларни таъмирлаш		янгисига алмаштириш	
						сони	талаб этиладиган маблағ	сони	талаб этиладиган маблағ
6	Навоий вилояти	139	252	29	5 510,0			29	5 510,0
7	Наманган вилояти	41	87						
8	Самарқанд вилояти	125	322	37	7 030,0			37	7 030,0
9	Тошкент вилояти	87	183						
10	Фарғона вилояти	22	50						
11	Хоразм вилояти	25	46						
12	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0
2025 йил		1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0
1	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	452	85 880,0			452	85 880,0
2026 йил		1 564	5 001	451	85 690,0			451	85 690,0
1	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	451	85 690,0			451	85 690,0
2027 йил		1 564	5 001	451	85 690,0			451	85 690,0
1	Тошкент шаҳри	1 564	5 001	451	85 690,0			451	85 690,0

*) Талаб этиладиган маблағларнинг аниқ миқдорларига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “12” ИЮН даги 376-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика уй-жой фондининг кўп квартирали уйларида лифт асбоб-ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 29 августдаги 191-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика уй-жой фондининг кўп квартирали уйларида лифт асбоб-ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 29 августдаги 191-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2013 йил 16 декабрдаги 330-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартдаги ПФ–5690-сон Фармони)” 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорининг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4126-сон қарори)” 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорининг 27-банди.

